

Тошкент шаҳри

2022 йил «18» январ

«O'zbekiston pochтasi» AJ «O'zbekiston markasi» filiali номидан Низом ва Ишончнома (2022 йил 7 январдаги 29-20/40-сонли) асосида иш юритувчи Директор С.М.Незамов (кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади) бир томондан ва «КАФОЛАТ сугурта компанияси» АЖ номидан Ишончнома асосида иш юритувчи Гридочо ва В. (кейинги ўринларда «Харидор» деб юритилади) иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома мазмуни

«Сотувчи» ўзига тегишли бўлган маҳсулотни қуйидаги миқдор ва нархларда «Харидор»га сотишни, «Харидор» маҳсулот учун тўловни амалга ошириб, маҳсулотни олиб чиқиб кетишни ўз зиммасига олади.

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот тури	Сони	1 дона маҳсулот баҳоси (ҚҚСсиз)	Суммаси (ҚҚСсиз)
1.	Станд марка	шт	15800	200	15800	3,160,000
2.	Станд марка	шт	3800	500	3800	1,900,000
3.	Станд марка	шт	1800	500	1800	900,000
4.	Станд марка	шт	1000	500	1000	500,000
5.	Канверт	шт	350	1000	350	350,000
	Жами					6,860,000

Шартноманинг умумий суммаси ҚҚСсиз: _____ сўм.

2. Тўлов ва маҳсулотни етказиб бериш шартлари

2.1. «Харидор» шартнома кучга киргандан сўнг 15 (ўн беш) банк куни ичида шартнома нархининг 100% миқдорини тўлайди.

2.2. Маҳсулот «Сотувчи»нинг ҳисоб рақамига тўлов келиб тушган кундан бошлаб 15 (ўн беш) банк кун ичида «Харидор»га берилади.

2.3. Маҳсулотни олиб кетиш «Харидор» ҳисобидан ва унинг транспортида амалга оширилади.

3. Томонларнинг жавобгарлиги

3.1. Тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлик ёки маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермаганлик учун, айбдор томон бошқа томонга ўз вақтида амалга оширилмаган тўлов ёки етказиб берилмаган маҳсулот баҳосининг 0,4 фоизи миқдоридан, лекин ўз вақтида тўланмаган ёки етказиб берилмаган маҳсулот баҳосининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

3.2. Маҳсулотнинг реэкспорти учун «Харидор» қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик олиб боради.

3.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолат ва жавобгарлик чоралари бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига амал қиладилар.

4. Бошқа шартлар

4.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилга қадар амалда бўлади.

4.2. «Сотувчи» ва «Харидор» ўртасида низолар юзага келган тақдирда, томонлар уларни музокаралар йўли билан ҳал этишни зиммаларига оладилар. Музокарага эришилмаганда, низолар ўрнатилган тартибда иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

4.3. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш икки томонлама имзоланган қўшимча келишув асосида амалга оширилади.

4.4. Шартнома томонлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин, бунда бу ҳақда шартномани бекор қилиш истагини билдирган томон шартнома бекор қилинишидан 10 кун олдин иккинчи томонни огоҳлантириши зарур.

4.5. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккиси ҳам бир хил юридик кучга эга.

5. Форс-мажор

5.1. Томонлар ўз ихтиёрларида бўлмаган форс-мажор ҳолати, яъни зилзила, сув тошқини, ёнғин, табиий офатлар, эпидемия, ҳарбий ҳаракатлар, ҳукуматнинг айрим фаолият турини таъқиқловчи қарорлари сабабли шартномавий мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар. Бунда, ўзига нисбатан форс-мажор ҳолати юзага келган томон иккинчи томонни 24 соат ичида ёзма равишда огоҳлантириши лозим. Шартномани бажариш муддати, томонлар келишувига кўра форс-мажор ҳолати муддатига узайтирилиши ёки шартнома бекор қилиниши мумкин.

6. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

«Сотувчи»

«O'zbekiston pochta» AJ
«O'zbekiston markasi» filiali

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 28в-уй.

Х/р: 20210 00020 01552 66016

АТБ «Алоқабанк» МФО 00401

ОКЭД: 53100 СТИР: 200 833 833

ҚҚС коди: 326030013813

Тел.: 244-70-55; 244-39-36



Директор

С.М. Незамов

«Харидор»



Handwritten signature and date: 2021.12.15